Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 69 (6. 558) ◉ 1988 йил 25 март, жума ◉ Баҳоси 3 тийин

Янгиланиш йўлидан

XIX

## Олға интилаётганлар

◉ Тошкент тепловоз депосининг 600 дан ортиқ комсомол ва ёшлари ҳам мусобақада актив қатнашиб, сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар. Улар план-топшириқларини ва зиммага олган мажбуриятларини шараф билан адо этишга интилишяпти. Масалан, машинистлар — Виктор Павлов, Рома Невезгода, машинист ёрдамчилари Сирожиддин Исоқов, Тоир Осмонов, слесарлар Ҳасан Турдиев, Абдуваҳоб Ғофуров ва бошқалар Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига ўз зиммаларига янги мажбуриятлар олиб ишлашмоқда.

◉ Бу ерда 12 катта-кичик участкалар бўлиб, уларнинг кўпларига тажрибали ёш мастерлар етакчилик қилишяпти. Улар орасида илғор участкалар ҳам бор. Жумладан, тайёрлов цехи мастери Аброр Исломов, цех мастери Эгамберди Ёқубовлар фаоллик кўрсатишяпти. Бу меҳнат илғорлари ҳар ойда 16—18 оғир юкли тепловозларни сифатли ремонтдан чиқаришга эришмоқдалар.

◉ Мусобақа ғолибларини рағбатлантириш мақсадида маъмурият ва жамоат ташкилотлари ҳар ой охирида унинг натижасини кўриб чиқяпти ва илғорлар кўчма вимпель ҳамда пул мукофотлари билан тақдирланмоқда. Шуниси қувончлики, Тошкент шаҳар ва Ҳамза район комсомол комитетлари томонидан бир неча тажрибали машинистлар ва тепловоз ремонти слесарлари Фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар. Вазира Аҳмедова, Алексей Филимонов, Дмитрий Симаков ва бошқа ёшлар коллектив фахридир.

Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан

# Қурилишда хўжаликислоҳоти

«Главташкентстрой» шаҳримиздаги етакчи қурилиш ташкилотларини бирлаштирган бунёдкорлар сардори ҳисобланади. У ташкил топгандан буён орадан ўтган 25 йилдан зиёд вақт ичида кўз ўнгимизда жуда катта ўсиш-ўзгариш рўй берди. Ҳозир унинг таркибида учта уйсозлик комбинати, ҳажмлиблокли уйсозлик комбинати, 6 та умумий қурилиш ва 5 та махсус қурилиш тресті, 2 та қурилиш-монтаж поезди (улардан бири БАМда, иккинчиси Тюменда иш олиб бормоқда), «Промстройиндустрия» бирлашмаси (унга 9 та завод ва қурилиш индустрия комбинати қарайди), транспорт ишлаб чиқариш бошқармаси, «Оргтехстрой» трести, ахборот-ҳисоблаш маркази, алоқа воситаларининг диспетчерлик бошқармаси, норматив-тадқиқот станцияси фаолият кўрсатмоқда. 45 минг қурувчини ўз бағрига олган бу улкан ташкилот энг янги замонавий техника билан қуролланган, қурилиш-монтаж ишлари индустрлашган, юқори даражада механизациялашган. Ишлаб чиқаришни лойиҳалаш, тармоқ ва поток графиги, технологик карталар кенг тадбиқ этилмоқда.

Чорак аср мобайнида «Главташкентстрой» коллективи 15,9 миллион квадрат метр уй-жой, 328 минг ўқувчига мўлжалланган мактаблар, 86 минг ўринли болалар боғчаларини бунёд этди. В. И. Ленин Марказий музейининг филиали, ТошДУ, ТошМИ, ТошПИ ва бошқа институтларнинг ўқув корпуслари комплекси, цирк, СССР Халқлари дўстлиги саройи, «Москва» меҳмонхонаси ва бошқа ноёб бинолар коллективнинг ҳамшаҳарларимизга туҳфасидир.

Ўтган йили коллектив бош пудрат бўйича ва ўз кучлари билан қурилиш-монтаж ишлари планларини бажара олмади. Имконият ва резервлардан яхши фойдаланмади. Бунинг сабаби эса уюшқоқсизлик ҳолларига йўл қўйилди. Илғор иш усуллари суст жорий қилинди. Шаҳар партия комитети пленумида бу масалалар атрофлича таҳлил этилди. Агар янги йилнинг дастлабки икки ойлик иш натижаларига назар ташласак, бир мунча ижобий ўзгаришлар рўй берганини кўрамиз.

— Аввало уй-жой программаси бутун қурилиш конвейери ишларини қайта қуришни тақозо этди, — дейди «Главташкентстрой» бошлиғи К. П. Дудин. — Бунда интенсивлаш йўлидан бориш, хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш, ўз харажатларини ўзи қоплаш йўли коллективимизнинг истиқболи эканлигини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Дарвоқе, бошқарма бошлиғининг айтганича бор. Бутун республикамиз, шаҳримиз халқ хўжалиги тўла хўжалик ҳисобига ўтяпти. Бу эса ҳар бир коллективдан ўта тадбиркорликни талаб этади. Эски усуллардан ва одатлардан қатъий воз кечиш, хўжалик юритишнинг иқтисодий усулларини пухта эгаллаш зарурдир. Шаҳримиз қурилиш-монтаж ташкилотларининг хўжалик фаолиятида ҳам муайян ўзгаришлар рўй бермоқда. Бир сўз билан айтганда, ишларни қатъий қайта қуриш вазифаси турибди. Январь ва февраль ойларида «Главташкентстрой» бош пудрат бўйича ва ўз кучлари билан қурилиш-монтаж ишлари планларини муваффақиятли адо этди. Меҳнат унумдорлиги бўйича топшириқ 106 процент бажарилди. Турар жойлар ва болалар боғчалари фойдаланишга топшириш планлари ҳам адо этилди. Аммо ҳамон бир қатор ташкилотлар фойда ўрнига зарар келтираяпти.

Юқорида айтганимиздек, шу йилнинг 1 февралидан «Главташкентстрой»га қарашли барча қурилиш трестлари ва уйсозлик комбинатларининг ходимлари коллектив пудрат усулига ўтиб ишлади. Қурилишда янги хўжалик механизмини жорий этиш ҳар бир кишидан ўз ишига юксак масъулиятни, ижро интизомини талаб этади. Шуни айтмоқчимизки, дастлабки самара яхши бўляпти. Сўнгги иш натижасига қараб, коллектив ва индивидуал рағбатлантириш йўлга қўйилмоқда.

Масалан, 2-уйсозлик комбинати йиллик уй-жойларни фойдаланишга топшириш планини ошириб бажарди. 2 миллион 194 минг сўм ўрнига 2 миллион 697 минг сўм фойда олди. Ўтган йили эса бош бошқарма бўйича пландаги 30 миллион сўмлик ўрнига 33 миллион сўмдан зиёд фойда олинган эди.

Қурилишда хўжалик ислоҳоти қизғин давом этмоқда. Зарар келтираётган қурилиш трестлари қамда кичик ташкилотлар тугатилди. Улар бошқа бош пудратчи қурилиш трестларига берилди. Бунинг натижасида 300 дан ортиқ кишини — бошқарув органлари ходимларини қисқартириш имкони туғилди. Иккита йирик панелли уйсозлик заводи бирлаштирилди. Улар «Жилстрой» тресті билан биргаликда янги ташкил этилган 3-уйсозлик комбинатига база бўлиб қолди. Рентабелликни ошириш ва иқтисодий самара учун шундай қилинди. Ҳозир эса қурилиш участкаларини йириклаштириш бошланди.

Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига кўплаб қурилиш трестлари ва бошқармаларининг коллективлари ўз зиммаларига социалистик мажбуриятлар қабул қилишган. 1966 йилги Тошкент зилзиласидан сўнг шаҳарни янгидан бунёд этишда асосий роль ўйнаган «Главташкентстрой» коллективи ҳозирги Тошкент жамолини СССР халқлари дўстлигисиз, қардош республикалар қурувчиларининг ёрдамисиз тасаввур қила олмайди. Ўша пайтда бунёд этилган турар жойлар, маданий-маиший бинолар комплексини ўзига хос дўстлик ёдгорликлари деб атагимиз келади. Агар ўша пайтларда асосан 4—5 қаватли бинолар қад кўтарган бўлса, ҳозир шаҳримизда 16 қаватли ва ундан ҳам баланд иморатларни қуриш борасида катта тажриба тўпланди.

Шу кунларда Ново-Полторацкий кўчасида «ТашЗНИИП» институти билан ҳамкорликда 16 қаватли йирик панелли уй бунёд этиляпти. Ана шу бино қурилиши ниҳоясига етгач, оммавий суратда 3-уйсозлик комбинати ишлаб чиқараётган 148 сериядаги 16 қаватли уйлар барпо этилади.

**Ҳамид ИКРОМОВ.**

## Мукаддас бурчимиз

Давраларда, ўзаро гурунгларда, тантанали мажлислар ва йиғилишларда кўпинча суҳбат мавзуи халқларимиз ўртасидаги ўзаро дўстлик алоқаларига бориб тақалади. Бу табиий бир ҳол, албатта. Чунки Улуғ Октябрь туфайли туғилган ва вақт синовидан ўтган, бепоён мамлакатимизда яшовчи турли миллатга ва элатга мансуб бўлган халқларнинг ўзаро дўстлиги, қардошларча буниродарлигини бугунги кунда бутун дунёда катта ҳурмат билан ва эътироф билан тан олинишининг ўзига хос рамзий маъноси бор. Тоғли Қорабоғ автоном областида, Озарбайжон ССР ва Арманистон ССРда юз берган вазиятни беқарорлаштираётган кимсаларнинг ножўя хатти-ҳаракатларидан барча соф виждонли совет кишилари қатори республикамиз меҳнаткашлари, Тошкент меҳнат аҳли ҳам ғоят ташвишланиб, халқларимиз ўртасидаги қардошлик ва дўстлик ришталарига ҳеч қандай куч таъсир қила олмаслигини баралла овоз билан таъкидламоқдалар. Улар Совет давлатининг куч-қудрати ва мустаҳкамлиги асоси бўлган совет халқлари дўстлиги ва қардошлигини ҳамиша кўз қорачиғидек сақлашга ва бундан кейин ҳам интернационализмнинг муқаддас ҳис-туйғуларини, кўп асрлик тарих мобайнида, коммунистик идеаллар тантанаси учун ўн йиллар мобайнида олиб борилган биргаликдаги кураш ва қилинган меҳнат натижасида жипслашиб кетган чинакам қардошликни ғоят авайлаб сақлашни дилларига жо қилганликларини изҳор этиб, Совет ҳокимияти йилларида кўп миллатли халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва қардошлик анъаналарини қадрлаш ва уни ҳар томонлама мустаҳкамлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканлигини алоҳида таъкидламоқдалар.

Маълумки, республикамиз пойтахтида ҳам юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек бўлиб яшамоқдалар, меҳнат қилмоқдалар, қайта қуриш ва жадаллаштириш ишларида фаоллик кўрсатмоқдалар. Шу боисдан газетамизнинг 1, 2, 3-саҳифаларидаги материалларни халқларимиз ўртасидаги бузилмас ЛЕНИНЧА ДЎСТЛИК мавзуига бағишладик.




ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

# ДЎСТ БИЛАН ОБОД УЙИНГ



Ўзбекистон ССР халқ шоири Эркин Воҳидовнинг юқоридаги сатрлар билан бошланувчи машҳур шеърида олам-олам маъно бор. Чиндан ҳам дўстликка, иноқликка, ўзаро буниродарликка нима етсин! Жонажон шаҳримизда дўстона, ягона оилада яшаб, меҳнат қилаётган юздан зиёд миллат ва элатларнинг вакиллари борлиги билан биз ҳақли равишда фахрланамиз.

◉ Ана шундайлардан бири арман қизи Гаяне Борисовна Адамяндир. У Тошкент экскаватор ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳалол меҳнат қилади.

◉ «Таштекстильмаш» заводининг слесарь-асбобсози Андрей Спичниковнинг ишларидан коллектив аъзолари мамнун.

◉ «СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 7-цехининг С. Качка, А. Аширов, Қ. Мирмаҳмудов, Л. Кооп сингари аъзолари ягона мақсад йўлида ишламоқдалар.

◉ Тошкент тажриба-пиллакашлик фабрикасининг сараловчиси — ўзбек қизи Барно Турсунованинг меҳнатидан барча мамнун.

◉ «Главсредазирсовхозстрой»нинг ирригация бўйича давлат махсус конструкторлик бюроси гидромелиорация ишларини механизациялаш бўлимининг бошлиғи Минай Петрович Ким кўп кишилик коллективда обрў-эътибор қозонган ҳамшаҳарларимиздан биридир.

Ҳа, севикли шоиримиз айтганидек, бизнинг уйларимиз дўстларимиз билан обод...









# Ҳамжиҳатлик самараси

**Жонажон шаҳримиздаги улкан ўзгаришларни амалга оширишга «Главташкентстрой»нинг 153-қурилиш тресті азамат бинокорлари ҳам бир неча йилдан буён самарали улуш қўшиб келмоқдалар. Улар томонидан ишга туширилаётган ҳар бир янги уй ҳамшаҳарларимиз қувончига чинакамига қувонч қўшмоқда. Қурилиш ташкилотида ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатликнинг кенг йўлга қўйилганлиги эришилаётган ютуқларнинг асосий омили бўлаётир. Яқинда мухбирларимиз бинокорлар ҳузурида бўлишиб, улар билан янги вазифалар ва қилинаётган ишлар ҳақида суҳбатлашдилар.**

**Ҳолхўжа БАҲОДИРОВ,**
**1-қурилиш бошқармаси бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.**

— Дўстликни мен офтобга ўхшатгим келади. Чунки қуёш ҳамма учун бирдек нур сочади. Ўзининг заррин шуълаларини еру кўкдан ҳеч қачон аямайди. Дўстлик ҳам ана шундай куч-қудратга эга. Бепоён Ватанимизнинг янада юксалиб, шон-шуҳрат топишида ҳам мана шу қудратли воситанинг беқиёс роли бор. Ягона оила фарзандларидек аҳил ва иноқлик мамлакатимиз халқларининг асл мақсадига айланган. Бунинг эвазига биз мамлакатни тиклашдаги қийинчиликлардан заррача бўлса-да, чўчимадик. Улуғ Ватан уруши йилларидаги мислсиз ғалабамизда ҳам мана шу қудратли кучнинг метин бирлиги сезилиб турди. 1966 йилдаги Тошкент зилзиласида ҳам шу буюк куч катта синовдан ўтди.

Бутун мамлакат зилзиладан катта зарар кўрган шаҳримизга ёрдамга келди. Рус, украин, молдаван, тожик, қозоқ, наинки Иттифоқимиздаги ҳар бир миллат ва элат баҳоли қудрат Тошкентни тиклашга ўзининг ёрдам қўлини чўзди. Янги уйлар, кварталлар, массивлар ана шу аҳилликнинг самараси туфайли юзага келди. Шарқнинг машъали сифатида жаҳонга танилган бу азим шаҳримизнинг бугунги кундаги қиёфаси ҳам янада чирой очиб бораётир. Ана шу катта ишларга трестимиз бинокорлари ҳам баракали улуш қўшиб келмоқдалар.

Мамлакат уй-жой программаси олдимиздаги вазифалар кўламини янада кенгайтириб юборди. Энди биз шунчаки ҳаракат қилиш билан иш битмаслигини, янада ғайрат-шижоат кўрсатиш зарурлигини ҳис этиб турибмиз. Бу ҳаракат бизнинг асосий фаолият мезонимизга айланиб бораётир. Бригадамизда ўнлаб миллат вакилларига мансуб бўлган 31 қурувчи меҳнат қилади. Уларнинг ҳар бири ишда шахсий ибрат кўрсатиш ва топшириқларни масъулият билан бажариш каби ажойиб ҳислатларни ўзларида тўла мужассамлаштирилган. Шу боисдан бўлса керак, барпо этилаётган объектларда сифат ва самарадорликни таъминлашга доимо муваффақ бўлаётирмиз. Биз ишга тушираётган янги уйлардан ҳамшаҳарларимиз чинакамига қувонмоқдалар.

Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси нишонланадиган шу қутлуғ йилда ўзгача ғайрат-шижоат билан ишлашга алоҳида куч-ғайрат сарфлаяпмиз. Ишимизнинг яна бир ютуқли томони кўп сменалилик ҳаракатини қўллаб-қувватлаётганлигимизда бўлди. Трестимизда биринчи бўлиб уч сменалик ишга ўтдик. Бу ҳақда гапириш осон. Аммо ишни ташкил этиш, қурилиш таъминотидаги муаммоларни енгиб ўтиш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Бу билан биз ўзимиз учун кенг иш фронтини яратишга эришдик. Ҳозирги кунда иккита янги уйни ишга тушириш арафасида турибмиз. Бу бизнинг партия анжуманига тайёрлаган муносиб тўёнамиз ҳам бўлади.

**Александр МАРКОВ,**
**39-қурилиш бошқармаси комплекс бригадаси бошлиғи, коммунист.**

— Бу йилги социалистик мажбуриятларимизга назар ташласангиз бевосита уй-жой қурилишидаги ўсиш суръатларининг гувоҳи бўласиз. Бунинг боиси бор, албатта. Йилдан йилга қурилиш ташкилотимизда капитал маблағлар самарадорлигини ошириш суръати ортиб бораяпти. Объектларни соз ва сифатли топширишга сазовор бўлинмоқда. Бу биз учун қувончли ҳол, албатта. Аммо ютуқларни аҳиллик, ўзаро ҳамжиҳатликсиз тасаввур этиш қийин. Бригадамиз чинакамига интернационал коллектив. Биз қурувчилар бир-биримиздан ҳеч қачон ёрдамимизни аямаймиз. Ташвишу қувончларимизни ўзаро баҳам кўрамиз. Қолаверса, тажрибаларимизни ҳам ўртоқлашиб борамиз. Ёдимда бор, бундан бир йил аввал ишни яхшилаш билан боғлиқ бўлган масалани кўриб чиқаётганимизда кўпчиликнинг фикри бир жойдан чиқиб қолди. Янгиликка интилмай, ўзаро аҳилликни таъминламай туриб қатъий ҳаракат қилиб бўлмаслигини ана шунда ҳис қилдик. Ўша йиғилишда бригада пудрати асосида ишни ташкил этишга ҳамма якдиллик билан қўшилди. Мана орадан яқин бир йилдан зиёд вақт ўтди. Ишимиздан ўзимиз ҳам мамнунмиз, бошқалар ҳам.

Бригада пудратининг қурилиш-монтаж ишларини такомиллаштиришдаги ҳиссаси катта экан. Ана шу истиқболли усулга ўтиб ишлаб, ўтган йилги план-топшириқларни тўла бажардик. Бу йилги натижаларимиз ҳам ана шундай қувончли бўлиши кутилмоқда. Йил охирига қадар ўзини ўзи маблағ билан қоплаш ва ўз харажатларини ўзи сарфлаш шароитида ишлашга ўтамиз. Хўжалик ҳисобининг моҳияти бизга тўла аён бўлиб турибди. Иқтисодий ислоҳот талабларини юзага чиқариш учун аввало ҳар бир нарсага эътиборли бўлиш, барча куч ва имкониятлардан максимал даражада фойдаланиш тақозо этилади. Қолаверса, меҳнат коллективларининг мустақиллигини ҳам кучайтиради. Бу эса ўз-ўзидан иқтисодий бақувват коллективларнинг бирига айланишимизга йўл очади. Аммо бунга эришиш учун қанчадан-қанча заҳмат ва машаққатларни бошимиздан кечиришимиз табиий. Бригада совети бизга бу борада ёрдам беради. Коллективимизда тузилган ана шу жамоат органининг роли ва таъсир доираси кейинги вақтда анча кенгайиб кетди. Ҳозирги кунда бригада совети аъзолари барча муаммо ва камчиликларни ҳал этишга алоҳида куч ва ғайрат сарфлашмоқда. Шу кеча-кундузда Чилонзор районида янги ташкил этилаётган турар жой массивида қурилиш-монтаж ишларини олиб бораяпмиз. Ҳадемай, коллективимиз бунёдкорларининг зарбдорона меҳнатлари эвазига бу ерда қад ростлаган янги турар жой биноси ўз эгаларини бағрига олади. Бу уйга ўнлаб интернационал, бахтли оилалар кўчиб ўтади, ҳовли тўйларини нишонлашади. Ана шундай қувончли кунлар доимо бор бўлсин!

**Суҳбатни Рустам АҲМАДАЛИЕВ ва Нодира ҒУЛОМОВА ёзиб олишди.**

## Тонгги газеталарда

◉ Франциянинг етакчи тараққийпарвар ветеранлар ташкилоти — Уруш ветеранлари ва жабрдийдалари республика уюшмаси (АРАК) миллий кенгаши М. С. Горбачев билан Р. Рейганга, шунингдек Ф. Миттеранга мурожаатнома юборган эди. Бугун газеталарда ўртоқ М. С. Горбачевнинг Уруш ветеранлари ва жабрдийдалари Франция республика уюшмасининг миллий кенгашига жавоб мактуби эълон қилинган.

◉ 24 март куни Москвада колхозчиларнинг Бутуниттифоқ IV съезди ўз ишини давом эттирди. «Кооперация — социалистик қурилишнинг қудратли воситаси» сарлавҳаси остида съезднинг иккинчи иш куни ҳақида ҳисобот берилган.

◉ 23 март куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Громико раислигида СССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлди. Мажлисда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

Бугун тонгги газеталарда ана шу мажлис ҳақидаги расмий хабар ва «Тоғли Қорабоғдаги, Озарбайжон ва Арманистон ССРдаги воқеалар хусусида иттифоқдош республикаларнинг мурожаатномалари билан боғлиқ чоралар тўғрисида» СССР Олий Совети Президиумининг қарори берилган.

